**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**
**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ БАСЛЫҒЫ**

---

**Н.Ерлепесовга**
**М.Жумановга**
**Халқ таълими вазирлиги (Р.Реймов)га**
**Молия вазирлиги (М.Содиков)га**
**Транспорт вазирлиги (С.Сапаров)га**

Агентликнинг ҚРдаги ҳудудий вакиллигига берилган хоналарни ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашда ҳамда ҳудудда мобил гуруҳ фаолиятини йўлга қўйиш учун 1 дона микроавтобус ажратилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Бажарувчи: Б.Аймбетов
Р.Бекимбетов

**Қ.САРИЕВ**
**24.07.2021й.**

**№ 5/2609**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI XORIJIY TILLARNI
O'RGANISHNI OMMALASHTIRISH
AGENTLIGI

100138, Toshkent sh., Kichik halqa yo'li ko'chasi
G-9A mavzesi, 21 uy, tel.: (71) 230-12-87

AGENCY FOR PROMOTING
FOREIGN LANGUAGE LEARNING
UNDER THE CABINET OF
MINISTERS OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN

100138, Tashkent c., Kichik halka yoli str.,
G-9A – 21, tel.: (71) 230-12-87

24.07.2021 № Д-01-119

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши раиси
Қ.Сариевга**

**Ҳурматли Қахраман Раматуллаевич,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 майдаги 312-сон қарорининг 3-бандида Агентлик ҳудудий вакилликлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади ҳамда уларнинг фаолиятини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу қарорнинг 5-бандида олис ҳудудларда жойлашган ёки хорижий тилларни ўқитиш бўйича кўрсаткичи паст бўлган таълим ташкилотлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш учун 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб “Мобил гуруҳлар” фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси берилган.

Бунда, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мобил гуруҳларга таълим жараёнини жойларда ташкил этиш учун Агентлик билан келишилган ҳолда автотранспорт воситалари (микроавтобус)ни доимий асосда бириктириб, уларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ барча харажатлар қопланишини таъминлаш белгиланган.

Мазкур қарор ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида, Сиздан Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳудудий вакиллигига берилган хоналарни ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашда ҳамда ҳудудда мобил гуруҳ фаолиятини йўлга қўйиш учун 1 дона микроавтобус ажратилишида амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

**Директор в.в.б** **С.Обидов**

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
MINISTRLER KEŃESI
KIRIS 5/2609 sanli 1 bet
“24” июль 2021 jil

Ижрочи: М.Тиллаева
Tel: (90) 788-80-06

Ma'lumot va takliflar uchun:
@lpa_uzb
@lpa.uzb
www.lpa.gov.uz
info@lpa.gov.uz